

УЎК:336.1

ИННОВАЦИЯЛарни МОлиялаширишда КРАУДФАНдинг ПЛАТФОРМАси МЕХАНИЗМИдан Фойдаланиш

Расулов Нуриддин Абдуллаевич

Наманган давлат университети, «Иқтисодиёт» кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Уибу мақола ҳозирги кунда яратилаётган инновацион лойиҳалар, ишиланмаларни молиялаширишда халқаро миқёсда кенг тарқалган краудфандинг платформаси ҳақида бўлиб, унинг хорижий мамлакатлардаги аҳамияти ва Ўзбекистон учун халқ томонидан молиялаширилувчи самарали механизм сифатидаги афзалликлари ёритилган. Краудфандинг платформасининг фаолияти ва афзалликларини миллий иқтисодий тизимнинг бир бўлаги сифатида эътироф этиши долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Бу платформа давлат бюджети харажатларини босқичма-босқич тежаши, турли хил лойиҳа ва ишиланмаларнинг ўзини-ўзи молиялаширишга имконият яратувчи асосий дастаклардан бири ҳисобланади.

Таянч тушунчалар: инновация, инновацион маҳсулот, краудфандинг, платформа, молиялашириш, молиялашириши механизми, инновацион ишиланма.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ПЛАТФОРМЫ КРАУДФАНДИНГА В ФИНАНСИРОВАНИИ ИННОВАЦИЙ

Расулов Нуриддин Абдуллаевич

докторант, кафедра «Экономика», Наманганский государственный университет

Аннотация. Данная статья посвящена краудфандинг-платформе, которая широко применяется в международной практике при финансировании создаваемых сегодня инновационных проектов, разработок. В ней освещены значимость этой платформы в зарубежных странах и преимущества для Узбекистана в качестве эффективного механизма финансирования со стороны населения. Одним из актуальных вопросов становится признание деятельности и преимущества краудфандинг-платформы как части национальной экономической системы. Данная платформа является одним из основных инструментов, дающих возможность поэтапно сократить расходы государственного бюджета, а также перейти к самофинансированию различных проектов и разработок.

Ключевые слова: инновация, инновационная продукция, краудфандинг, платформа, финансирование, механизм финансирования, инновационная разработка.

THE USE OF CROWDFUNDING PLATFORM MECHANISM IN FINANCING THE INNOVATIVE PROJECTS

Rasulov Nuriddin Abdullaevich

Doctoral student, Department of «Economics», Namangan State University

Annotation. The article focuses on crowdfunding platform, which is widely used in international practice with funding of currently created innovation projects and developments. It highlights the importance of this platform in foreign countries and its benefits for Uzbekistan as an effective mechanism of funding from population. One of the actual issues is the recognition of the activities and advantages of crowdfunding platform as a part of the national economic system. The platform is one of the major tools, which enables to reduce the costs of the state budget, as well as transforming different projects and developments to self-financing

Key words: innovation, innovative products, crowdfunding, platform, financing, financial mechanism, innovation development.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, юқори технологиялар, инновацион гоява ишланмаларни ҳаётга жорий қилиш учун доимий равишда құшымча молиявий ресурслар ҳамда молиялаштиришнинг самарали механизмлари зарур. Шундай механизмлардан бири сифатида краудфандингни көлтириш үринидір.

Краудфандинг – бу шахс томонидан бирор-бир лойиҳани ихтиёрий молиялаштиришда муаллиф ёки корхона учун маблаг түплашнинг бир тури ҳисобланади [1].

Жаҳонда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда турли механизмлар орасыда краудфандинг платформаси алоҳида үрин тутади.

Краудфандинг атамаси дунё миқёсида иқтисодий тушунча сифатида 2006 йилда юзага келган. Ушбу атама мамлакатимиз иқтисодиётида бирмунча янги тушунча ҳисобланиб, уни 5 йил аввал Ўзбекистон иқтисодиётидаги амалий жараёнларда құллаш имконияти юзага келган. Лекин ундан узоқ вақт мобайнида фойдаланилмади. Ҳозирги кунга келиб, молиялаштиришнинг краудфандинг механизмидан фойдаланиш секинлик билан қайта шаклланмоқда.

Адабиётлар таҳлили

Илмий адабиётларда «краудфандинг» атамасига қуйидагича таъриф берилган:

Википедия фонди маълумотларига кўра, краудфандинг атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, «крауд – халқ», «фандинг – молиялаштириш» деган маънони англатади. Бунда инсонлар томонидан интернет орқали бошқа шахслар ёки компаниялар лойиҳаларини шахсий маблағлар, бошқа кўринишдаги ресурслар орқали молиялаштириш тушунилади [2].

Россия Федерациясининг энг йирик ва оммабоп краудфандинг (Boomstarter) платформаси асосчиси Е. Гаврилин томонидан илгари сурилган таърифга кўра, «краудфандинг – халқ томонидан молиялаштириш жараёни бўлиб, бунда инсонлар пул тўлаб, эвазига бирор-бир нарса олади. Яъни инсонлар ўзларини қизиқтирган гоя муаллифларига

маблаг ажратади. Фоя муаллифи эса, ўз навбатида, уларга маҳсулот ёки хизмат таклиф этади» [3]. Қисқача қилиб айтганда, инсонлар мавжуд бўлмаган маҳсулот ёки хизматни сотиб олади.

3. Ф. Мурачовский фикрича, «краудфандинг – биргаликда молиялаштириш механизми бўлиб, ҳар қандай лойиҳани яратишида иштирок этишдир. Молиялаштирувчи шахс исталган лойиҳада иштирок этиб, шахсий маблагини йўналтириши ва бундан фойда олиши мумкин» [4].

4. А. Ошарованинг фикрича, «краудфандинг – фандрайзинг (умумий молиялаштириш) пул маблағларини жалб қилишнинг алоҳида туридир. Унинг фандрайзингдан фарқли жиҳати шундаки, краудфандер томонидан йўналтирилган маблаг эвазига маҳсулот, хизмат ёки мукофот олинади» [5].

Муаллиф фикрича, краудфандинг – бу инновацион лойиҳалар ва гояларни жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий маблағлар орқали молиялаштириш бўлиб, даромад олиш эҳтимоли мавжуд бўлиши ёки мутлақо бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда йўналтирилган маблаг эвазига краудфандер томонидан маҳсулот ёки хизмат мукофот тариқасида тақдим этилади.

Юқорида көлтириб ўтилган фикр-мулоҳазалардан шуни англаш мумкинки, миллий иқтисодий адабиётларда ушбу тушунча кенг ёритилмаган ва иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилмаган.

Асосий қисм

Краудфандинг платформаси инновацион жараёнларни халқ томонидан молиялаштиришдаги замонавий механизм сифатида намоён бўлди. У нега айнан инновацион жараёнларни молиялаштиришда қўл келиши мумкин? Сабаби у жисмоний шахс томонидан мавжуд бўлмаган маҳсулот ёки хизматни молиялаштиришда юқори таваккалчилликка қўл уради. Натижада яратилиши мумкин бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ этиш эҳтимоллиги кўп ҳолларда истеъмолчи (халқ) га боғлиқ бўлиб қолади.

Краудфандинг платформаси асосидаги молиялаштириш механизми фаолияти давомида бир неча платформалар асосида шакланди. Бу жараённи биз хорижий ва миллий краудфандинг платформаларини солиштирма таҳлил асосида ёритиб ўтамиз.

Маълумотлардан кўринадики, краудфандинг платформаси асосидаги молиялаштириш механизми илк бор АҚШда пайдо бўлган. Дунё миқёсида яратилаётган инновацион маҳсулотларнинг 25 фоиздан ортигини молиялаштиришда краудфандинг, венчур ва шу каби самарали механизмлардан фойдаланишда АҚШ фуқаролари фаол ҳаракатланди.

Дастлаб АҚШда краудфандинг майдончалини юқори инвестицияларни талаб этувчи йирик лойиҳалар учун қабул қилинмади. Аммо 1 млн доллардан ортиқ бўлмаган бир марталик инвестицияларга муҳтож бўлган лойиҳаларнинг кўпчилиги учун мукаммал ҳисобланди. Ушбу жараённи Пенсильвания университети профессори Э. Моллик ўзининг таҳлиллари асосида 47 мингта краудфандинг лойиҳаларини ўрганиш натижасида эълон қилган.

2012 йилга келиб, АҚШда Барак Обама президентлиги даврида «Our Business Startups Act ёки JOBS Act» («Бизнинг стартап бизнес») янги қонуни қабул қилинди. Бу эса турли даражадаги компанияларга краудфандинг асосида молиялаштиришни 1 млн долларга ошириш имкониятини очиб берди [6]. Натижада АҚШда фаолият юритувчи компаниилар томонидан тақдим этилаётган турли лойиҳаларни краудфандинг платформаси асосида молиялаштириш, унинг краудфандерлари томонидан акцияларни кичик миқдорда ёки арzon нархларда сотиб олиш орқали амалга оширилиши жадаллашди.

Шу ўринда жаҳон миқёсидаги энг йирик краудфандинг майдончалини сифатида танилган «Kikstarter»ни келтириб ўтсак. Ушбу сайт (краудфандинг майдончалини) нинг асосий мақсади шиори «ҳаммаси ёки ҳеч нарса»дир. Улар, асосан, кино, технологик буюмлар, ўйинлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мусиқа, дастурний воситалар ва бошқа турда-

ги лойиҳаларни сайтда эълон қилиш ҳамда халқ томонидан молиялаштириш билан шугулланади. «Kikstarter» краудфандинг майдончалини музаллифлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни сайтга жойлаштиришда айрим чекловларнинг мавжудлиги билан бошқа бир платформалардан ажralиб турди. Масалан, сайтда эълон қилинган лойиҳа 60 кун (дам олиш кунларисиз) ичида етарли миқдордаги маблагни тўплай олмаса, музаллиф тўпланган маблағлар (агар тўпланган бўлса) ни тўлиқ қайтаришга мажбур. Краудфандинг платформасининг яна бир фарқли жиҳати шундаки, сайт ҳар бир лойиҳа учун йигилган маблағларнинг 5 фоизини ўзига хизмат ҳаққи кўринишида олиб қолади.

Жаҳонда «Kikstarter» краудфандинг майдончалини кейинги ўринда «Indiegogo» краудфандинг платформаси турди. У, асосан, соғалиқни сақлаш, инновацион лойиҳалар ва технологияларни сайтга жойлаштириш ҳамда уларни молиялаштириш учун маблағлар тўплаш имконини беради. Унинг бошқа платформалардан фарқли жиҳати шундаки, ҳар қандай гоя ва лойиҳаларнинг музаллифи қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъи назар, сайтда (краудфандинг майдончалини) эълон қиласди.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларидағи краудфандинг майдончалари ҳам анчагина ривожланган. Хусусан, Буюк Британияда 2017 йилда CrowdCube, Seedrs ва SyndicateRoom каби краудфандинг платформалари орқали компанияларга 217,7 млн фунт стерлинг инвестиция йўналтирилган [7].

Швейцарияда 2017 йил апрель ойи ҳолатига кўра, 50 та краудфандинг платформаси ташкил этилган. Етти йил ичида краудфандинг орқали 193,8 млн швейцария франки йигилган.

Австрияда 2015 йилда 6 та краудфандинг платформаси 8,1 млн евро тўплаган. 2017 йилда 20 та платформа фаолият юритган [8].

Россия Федерациясида краудфандинг 9 та платформа асосида фаолият юритиб, такомиллашмоқда. Ушбу платформа барча соҳалардаги инновацион лойиҳаларни молия-

лаштиришда янгича краудфандинг механизмни юзага келтирди. Россияда крауфандинг механизми асосидаги молиялаштириш 3 хил күринища бўлади.

1. Пуллик. Бунда инвестор даромадлилик даражаси юқори бўлган лойиҳаларни молиялаштиради.

2. Пуллик бўлмаган (номолиявий). Бунда моддий шаклдаги рағбатлантириш асосида ташкил этилади.

3. Хайрия маблағлари. Бундай характердаги платформага маблағларни жалб этиш орқали маънавий рағбатга эришилади [9].

Россияда bloomstarter.ru (Bloomstarter) ва planeta.ru (Планета) интернет сайтлари краудфандинг платформаси асосида фаолият юритади.

Келтириб ўтилган краудфандинг платформалари оддий механизм асосида ишлайди. Яъни муаллиф гоя ёки лойиҳасини платформага жойлайди. Бир вақтнинг ўзида исталган шахс ихтиёрий равишда интернет орқали рўйхатдан ўтиб, ушбу лойиҳани шахсий маблағлари билан молиялаштириши мумкин. Агарда шахсда йирик миқдорий суммадаги лойиҳа учун ҳомийлик истаги уйғонса, унда ушбу краудфандинг платформаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга оширувчи интернет пул ўтказмалари орқали молиялаштириши мумкин [10].

Дунё миқёсидаги краудфандинг платформаларини 3 турга бўлиб ўрганиш мумкин. Улар:

1. Хайр-эҳсон кўринишидаги платформалар. Дунё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бундай кўринищдаги молиялаштириш жуда кенг тарқалган (соғлиқни тиклаш, кам таъминланган оиласларга бегараз ёрдам ва бошқалар).

2. Айрим шахсларнинг бошқа бир жисмоний шахслар учун тўғридан-тўғри кредитлаш (молиялаштириш) жараёнида шаклланган платформалари. Бундай кўринищдаги интернет-платформалари, асосан, ривожланган мамлакатларда шаклланган.

3. Жисмоний шахс сифатидаги мустақил инвесторларни рағбатлантириш орқали

loyiҳalarni ishlab chiқariшга жорий этувчи платформалар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазлардан шуни англаш мумкинки, ҳозирги кунга келиб, краудфандинг майдончаси инновацион маҳсулотларни молиялаштиришдаги қулай ва самарали механизм эканлиги амалий жиҳатдан исботланди.

Республикамизда 2016 йилга келиб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнини янгича замонавий, ҳалқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, рақобатбардошлик даражасини ошириш, валюта айрибошлашни либераллаштириш, инвестицион жозибадорликка эришиш, инновацион лойиҳаларни тез ва самарали ишлаб чиқариш ҳамда уни молиялаштиришда муқобил механизмлардан фойдаланиш асосий мақсадлардан бирига айланди. Бу даврга қадар миллий иқтисодиётда юқорида эътироф этилган ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, лекин амалда қўлланиш даражаси жуда паст баҳоланди. Бу эса иқтисодиёт ривожланишида турли сунъий тўсиқларни юзага келтирди.

Масалан, бирор-бир муаллиф томонидан яратилаётган лойиҳани экспертизадан ўтказищдаги сунъий тўсқинликлар айрим ҳолларда инсон омилига боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса инноваторнинг ўз устида ишлаш эҳтимоллиги пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак, республика миқёсида 2008 йилдан бошлаб ўтказиб келинаётган «Инновацион гоялар, лойиҳалар ва технологияларни рағбатлантириш» кўриктанловида инноваторлар томонидан яратилган ишланмаларнинг қайта-қайта тақдим этилиши ҳамда уларни молиялаштиришда кўзбўямачиликларга йўл қўйилишига имконият яратиб берди. Бу эса Ўзбекистонда инновацион жараёниларнинг секинлик билан ривожланиши ва уларни молиялаштиришда самарали механизм сифатида давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратиш йўли билан чекланниб қолинишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда иннова-

цион жараёнларни молиялаштиришда самарали механизмлардан фойдаланиш ҳамда миллий инновацион тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсадлардан бирига айланди. Булар қаторида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, венчур молиялаштириш, ташқи ва ички инвестициялар, лизинг, краудфандинг майдончалари ҳамда шу каби молиялаштиришнинг муқобил механизмлари ўрин олган.

Ушбу механизмларни Ўзбекистон иқтисодиёти учун жорий этиш келгусида инновацион иқтисодиётта босқичма-босқич ўтишга шароит яратади. Хусусан, юқори рискка эга бўлмаган инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда ҳалқаро тажрибага таяниб, замонавий механизм сифатида краудфандинг платформасидан фойдаланиш пировард мақсадларга эришишга йўл очади.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда ҳам краудфандинг платформасидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, норматив-хуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2018 йил август ойида хорижий мамлакатлар тажрибасидан ўрнак олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам краудфандинг платформа майдончаси ишга туширилди.

Ушбу замонавий молиялаштириш майдончасидан фойдаланиш эҳтимоли мамлакатимизда паст даражада бўлса-да, бу жараёнда краудфандинг платформаси фаол ҳаракатларни амалга оширмаюпти, деб айтиш ҳам ноўрин, албатта. Ҳалқ томонидан молиялаштириш имкониятини такомиллаштириш маълум бир вақтни талаб этади. Бунда аҳолини краудфандинг майдончасидан фойдаланиш ва унда тақдим этилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда маълум даражадаги билим ҳамда малака талаб этилади.

Хуроса ва тақлифлар

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қўйидагиларни тақлиф сифатида келтирамиз:

1. Ҳозирги кунда норасмий жиҳатдан краудфандинг усулидан фойдаланиш ҳолатлари Ўзбекистон аҳолиси ўртасида кузатилиши мумкин. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида краудфандинг платформасига доир норматив-хуқуқий

ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим.

2. Краудфандинг платформасини мамлакатимизда фаол шакллантириш юзасидан ушбу молиялаштириш усули юқори даражада ривожланган ва етарли тажриба эга мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси ҳамда бошқа шу каби давлатлар томонидан ишлаб чиқилган қонунчилик нормаларидан фойдаланган ҳолда норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим.

3. Ўзбекистон аҳолисининг бўш турган маблағларини тўғри йўналтиришда миллий краудфандинг платформаси майдончалари сонини кенгайтириш, бу орқали ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш, аҳолининг юқори малака талаб этмайдиган ишсиз қатламини иш билан таъминлаш мумкин.

4. Аҳолини краудфандинг платформасида жойлаштирилган шахс ёки компания томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда реклама роликларни ижтимоий сайтлар, ОАВларда белгиланган шартлар асосида маълум бир вақт оралиғигача намойиш этишида имтиёзлар бериш.

5. Аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва турли мақсадли инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда рискли (хавфли) ҳолатларни камайтириш бўйича чоралар кўриш. Бу маблағларни олиш эвазига ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот ёки хизматлар тақдим этиш бўйича электрон шартномалар тузиш имкониятини ишлаб чиқиш муҳим.

6. Краудфандинг платформаси инновацион ишланмаларни молиялаштиришда фақат давлат грантлари, бюджет маблағлари ёки хорижий инвесторларга боғланиб қолмаслик учун маҳаллий инвесторлар фаолиятидан кенг фойдаланиш мумкин.

7. Краудфандинг майдончасига жойлаштирилган инновацион лойиҳаларни интеллектуал мулк сифатида ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

8. Стартап лойиҳаларни шакллантираётган «Seed (уруг ёки янги)» корхоналари ва бизнес инкубаторларни молиялаштиришда

краудфандинг платформасидан фаол фойдаланиш мумкин.

9. Ҳозирда фаолият юритаётган crowdfunders.uz платформасида кузатилаётган техник камчиликларни бартараф этиш керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ва инсон эҳтиёжининг доимий равишда ортиб бориши инновацион маҳсулотларга бўлган талабни кучайтиради. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фаол ривожланиши зарурлигини белгилаб беради.

Халқаро тажрибаларда краудфандинг

платформасидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Ушбу тажрибалардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда яратилаётган фоя, лойиҳа ва технологияларни шу асосда инновацияларни молиялаштиришда замонавий механизм сифатида краудфандинг платформасидан фойдаланиш келгусида аҳолининг бўш турган маблағларидан оқилона фойдаланиш ва бюджет харажатларини тежашга олиб келади. Натижада маҳаллий ишлаб чиқариш самардорлиги ошиб, инноваторлар томонидан хорижий инвестициялар ва банк кредитларига мурожаат қилиш эҳтимоллиги камаяди.

Манба ва адабиётлар

1. Краудфандинг. URL. <https://kompanion.online/biznes-termini>
2. Краудфандинг. URL. <http://ru.wikipedia.org/wiki/>
3. <http://boomstarter.ru/blog/66>. Қаранг: <http://crowdwillfund.ru/crowdfunding>
4. Краудфандинговая платформа kikstar. URL. <http://steptosleep.ru>
5. Крутиков В.К., Дорожкина Т.В. и др. Развития бизнеса в условиях цифровой трансформации: технологии краудфандинга. Учебно-методическое пособие. Колуга. – 2017. – С. 24-25
6. Карелов С. Перспективы краудфандинга: в США – закон, в России – мошенничество. URL. <https://republic.ru/posts/I/875352>
7. Сомервелл. М. Топ-10 краудфондинговых платформ для бизнеса в 2018 году. URL. <https://www.growthbusiness.co.uk>
8. Халқ томонидан молиялаштириш краудфандинг қандай афзалликларга эга? URL. <https://www.kun.uz//news/2018/10/04>. Қаранг: <https://www.plusworld.ru/daily/tehnologii/kraufundding-trend-globalnogo-masshtaba-2>
9. crowdfunding-platform-types. URL. <https://www.crowdfund.ru>
10. Спиридонова Е.В., Сошиников Д.С. Успешный краудфандинг в России и за рубежом // Российское предпринимательство. / т. 17, № 22. – 2016. – С. 3186

Тақризчи:

Беркинов Б., и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодиёт университети.